



## ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Хашимов Пазлиддин Зукурович<sup>1</sup>,

Зокиров Жаҳонбек Ойбек ўғли<sup>2</sup>,

<sup>1</sup>Ўзбекистон Миллий университети

«Иқтисодиёт назарияси» кафедраси  
проф. в.б., иқтисодиёт фанлари номзоди,

<sup>2</sup>Ўзбекистон Миллий университети

2курс магистранти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7319333>

### ARTICLE INFO

Received: 04<sup>th</sup> November 2022

Accepted: 12<sup>th</sup> November 2022

Online: 14<sup>th</sup> November 2022

### KEY WORDS

Интеллектуал салоҳият, инсон капитали, иқтисодий ривожланиш, инновацион иқтисодиёт, илмийтехник тараққиёт, ходимларнинг инновацион салоҳияти.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини шакллантириш ва ошириш, замон талабларига жавоб берадиган, меҳнат бозорида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш учун зарур бўлган шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди. Жамият тараққиётини илм-фан ривожисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, илм-фан-ишлаб чиқариш ўртасидаги алқадорликни таъминлаш, унинг моддий асосини яратиш, иқтисодиётни технологик ривожлантириш ва энг асосийси кадрлар билан таъминлаш муҳим вазифалари бўлиб ҳисобланади.

### ABSTRACT

Мақолада «интеллектуал салоҳият» ва «мамлакатнинг интеллектуал салоҳияти» тушунчаларига тавсифлар берилган, интеллектуал салоҳият категорияси бўйича турли ёндашувлар келтирилган. Унда инсон омилнинг жамиятнинг ривожлантиришидаги ўрни ва ролини ошириш, билимларни капиталлаштиришни ўстириш, илм сиғимкорлиги юқори бўлган маҳсулотлар ва хизматлар ҳажмини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам: «...биз ягона бир мақсадни кўзда тутмоқдамиз. Яъни Ўзбекистон илмфан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт»<sup>1</sup> деб таъкидланган. Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимизда ёшлар тарбияси, таълими интеллектуал салоҳиятини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Мамлакатимизни 2017 - 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2017 йил 22 декабрь. <https://www.xabar.uz/siyosat>



Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди. Сўнгги беш йиллик ислохотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди. “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” да таълим сифатини ошириш бўйича белгиланган вазифалар доирасида 2022 йилда 1 апрелдан бошлаб нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга фарзандларини юбораётган ота-оналарнинг ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловлари даромад солиғидан озод этилши ва ўрта таълим тизимини замон талабларига мослаштириш мақсадида умумий ўрта таълим муассасаларида дарсликларни янгилаш дастурини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 605 млрд сўм ажратилиши, қолаверса 141 мингта янги ўқув ўринлари яратилиши ва уларнинг сонини 2026 йил якунига қадар 6,4 миллионгача етказиш вазифаси қўйилди.<sup>2</sup>

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий аҳволи унинг интеллектуал салоҳияти билан аниқланади. Ривожланган мамлакатларнинг аксарияти таълим тизимини самарали ривожлантириш

орқали ЯИМнинг 40%гача кўтарилишига эришадилар. Таълимга қилинган инвестиция нисбатан тезроқ қопланади. Америкалик экспертларнинг фикрига кўра, таълим тизимига қилинган 1 долларлик харажат, 36 доллар даромад қилишга имкон беради<sup>3</sup>.

Ушбу соҳани ўрганган олимлар қаторига Ғарбада Г.Айзенк, А.Бине, Ф.Гальтон, В.Штерн, Л.Терстоун, Д.Ж.Гилфорд, Р.Стернберг, Х.Гарднер ва МДХ давлатларидан О.Д.Шипунова, А.Зиновьев, Д.В.Митрофанов, Г.А.Воронцовни киритиш мумкин.<sup>4</sup> Ўзбекистонлик олимлардан Республикамизда ушбу йўналишда олимлардан Х.П.Абулқосимов, П.З.Хашимов, Г.П.Ибадуллаева, Х.Шайхова, Б.Э.Юсупов, Э.С.Набиев тадқиқот олиб боришган<sup>5</sup>.

3 Кадомцева С.В. Экономические основы системы социальной защиты. М.: . 1997. С.89.

4 Гарднер Х. Структура разума: теория множественного интеллекта. - М.: «Бизнес книга», 2007. - С. 512; Шипунова О.Д. Интеллект и субъективность (социально-философский анализ): Дис. ... д-ра филос. наук. - Санкт-Петербург, 2004. - С. 354; Зиновьев А. Высшее образование и логика интеллекта. // Alma mater, 2004, № 5. - С. 11-134; Митрофанов Д.В. Особенности интеллектуальной культуры студентов. // Вестник Тамбовского университета. Серия Гуманитарные науки. - Тамбов, 2016. Вып. 10 (162). - С. 14-19; Воронцов Г.А. Культура интеллектуального труда как составляющая современного образования. // Ректор Вуза, 2011, №1. - С. 66-71.

5 Абулқосимов Х.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари. - Т.: ТМИ нашриёти, 2005. - 225 б; Хашимов П.З., Ибадуллаева Г.П. Интеллектуальный потенциал как важный фактор социально-

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>



Илмий муаммонинг қўйилиши. Шу йилнинг ўзида Женевада Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотига аъзо давлатлар Ассамблеяларининг 63-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тузилмага аъзо 193 давлат ва халқаро нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирок этишмоқда. Мазкур нуфузли анжуманда Ўзбекистон номидан Адлия вазирлиги делегацияси қатнашмоқда. Ассамблеялар кун тартибидаги муҳим масалаларни қамраб олган сессиялар қатнашчиларга ташкилот фаолиятини баҳолаш ва келажакдаги йўналишларни муҳокама қилишда платформа бўлиб хизмат қилмоқда.

Зеро, ўзаро фикр алмашиш учун мавзулар талайгина. Инновацион ечимлар, интеллектуал салоҳият намоишини даврнинг ўзи талаб қилаётган бир пайтда мазкур соҳалардаги янги ихтиролар, ишланмаларнинг мулквий даҳлсизлигини таъминлаш ҳам устворлик касб этаяпти. Мамлакатамизнинг рақобатбардошлиги, унинг ер ости ва ер усти табиий бойликлари, мустақиллик йилларида яратилган янги инфратузилма ёки замонавий кўп тармоқли саноатидагина эмас,

---

экономического развития страны. // Современное образование. 2014. № 4; Шайхова Х. Интеллектуал салоҳият – тараққиёт мезони. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 112 б; Юсупов Б.С., Набиев Э.С. Интеллектуал салоҳиятли кадрлар тайёрлашнинг илмий назарий асослари. // Таълим, фан ва ишлаб чиқаришда интеллектуал салоҳиятли ёшларнинг ўрни. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд, 2015 йил. 910 июнь. - Б. 136-138.

балки юксак илмий техникавий салоҳияти, мустақам илмий базаси, интеллектуал салоҳият юқори малакали кадрларида ҳамдир. Янги Ўзбекистон иқтисодиётини жадал ривожлантиришда интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш стратегиясини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди<sup>6</sup>. Ўзбекистоннинг ёшлар масалалари бўйича халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш мақсадида ёшлар сиёсатига масъул бўлган ташкилотларнинг объектив статистик ва таҳлилий маълумотларини рейтинг шакллантирувчи халқаро агентликларга тақдим этиб бориш мақсадга мувофиқ. Мисол учун, ёшларнинг яшаш сифати бўйича тузиладиган «Youth Progress Index 2017» Ёшлар тараққиёт индексининг 2017 йилги натижаларига кўра: Норвегия, Финляндия, Дания мамлакатлари кучли учликда қайд этилган. Қозоғистон ушбу рейтингда 63-ўринни, Қирғизистон эса 58, Россия 65-ўринни эгаллаган бўлиб, Ўзбекистон ушбу рейтингда қайд этилмаган. Иккинчи рейтинг «The 2017 Youth Wellbeing Index» Ёшлар фаровонлиги индекси. Ушбу индекс фуқаролик иштироки, иқтисодий имкониятлар, таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот-коммуникация

---

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» пФ5264сон Фармони.



технологиялари, хавфсизлик ва ҳимояланганлик каби мезонлар асосида ёшлар фаолиятини баҳолайди. Ушбу рўйхатда ҳам Ўзбекистон киритилмаган.

Асосий натижалар. Мазкур ҳолатлар айна йўналишлар амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини таъминлаш ишларини янада жадаллаштириш заруратини кўрсатади. Бунда ёшларнинг нафақат ОТМларда олаётган билими ва касбий фаолияти уйғунлигини таъминлаш ишлари билан чекланмасдан, уларнинг ўз шахсияти ва интеллектуал қобилиятини ривожлантириш соҳасидаги изланишларини қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади..

Республикамиз президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, «Мамлакатни инновацион ривожлантириш стратегияси ва механизмлари, энг аввало, шу давлатда яратилган интеллектуал ва илмийтехникавий салоҳиятидан қанчалик самарали фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ»<sup>7</sup>. Таълим салоҳияти шу билан тавсифланадики, ходимнинг маълумотга эга бўлиши, касбий маҳорати, юқори малакаси иқтисодиётни модернизациялаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятларини белгилайди.

Хусусан, ёшларнинг касбий билим ва тажрибасини ошириш борасидаги изланишлари уларнинг интеллектуал салоҳиятини ўсиб бориши учун муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида

кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган вақт ичида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш борасида алоҳида тизим яратилди. Ёшлар мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда ҳам катта куч. Республикамизда 230 мингга яқин ёш тадбиркор ва фермерлар, моҳир ҳунармандлар фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, Олий Мажлис палаталари ҳузурида Ёшлар парламентлари, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида Ёшлар академияси ташкил қилинди. Ҳудудларда «Лойиҳалар фабрикаси» иш бошлади. «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» деб эълон қилинди. Ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш мақсадида 2021 йил мамлакатимизда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги 23-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Ушбу концепцияда ёш салоҳиятли кадрларни қўллаб-қувватлаш ва уларни давлат фуқаролик хизматига тайёрлаш, меҳнат бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш йўналишида:

- давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларида

<sup>7</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-том. – Т.: «Ўзбекистон», 2017 - Б.168.



иқтидорли, ташаббускор, рақобатбардош кадрлар захирасини шакллантириш чораларини кўриш;

- ёшларда муаммоларни ҳал этиш, қарор қабул қилиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, мулоқот қилиш, мослашувчанлик, стрессни енгиш каби ҳаётий кўникмаларни ривожлантириш бўйича махсус ўқувларни ривожлантириш;

- ёшларда корпоратив этика, жамоавий иш, кейс-менежментга доир билимларни шакллантириш орқали иш жараёнига мослашиб кетишига кўмаклашиш тизимини йўлга қўйиш;

- ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш;

- ёшларнинг эркин фикрловчи, ишбилармон, тадбиркор ҳамда интеллектуал салоҳияти юқори бўлган бугунги кун қаҳрамони тимсолини яратиш ва уни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш;

- ёшлар ҳаёти, ўй-кечинмалари, орзу-ниятлари, долзарб муаммоларини интернет, радио, телевидение, газета ва журналларда кенг ёритиш бўйича шарт-шароитларни яратиш вазифалари илгари сурилди.

Хулоса ва таклифлар. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш орқали эришиб, пировард натижада умумий бойлигини кўпайтириш, давлатнинг ижтимоий муаммолари: қашшоқлик, ишсизлик, турмуш сифатини ошириш каби муаммоларни ҳал этиш бўйича

имкониятларини кенгайтиришга эришиш мумкин. Демак, “бугунги кунда давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири илм-фан ва таълим соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган”<sup>8</sup>. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда инновацион ёндашувнинг институционал асосларини такомиллаштириш, аввало реал иқтисодий тармоқлардаги инновацияларини ривожлантириш, интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш, хусусий мулк эгалари мафаатларини ҳимоя қилиш, халқаро бозорларга кириш орқали мамлакатимиз товарларини дунё бозоридан ўрин олиш учун халқаро интеграциялашувни жадаллаштириш миллий инновацион сиёсатнинг энг муҳим устувор вазифаси саналади. Мамлакатда олиб борилаётган кенг кўламли мақсадли ислохотлар, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятни оширишда ва шу билан биргаликда мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

<sup>8</sup> Зайнутдинов Ш.Н., Расулов Н.М. Интеллектуал салоҳиятни ошириш инновацияларни ривожлантиришнинг муҳим омили. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2014, № 1.



## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2017 йил 22 декабрь. <https://www.xabar.uz/siyosat>
2. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» ПФ5264сон Фармони. <https://lex.uz/docs/3431985>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
4. Мирзиёев Ш..М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-том. – Т.: «Ўзбекистон», 2017.
5. Зайнутдинов Ш.Н., Расулов Н.М. Интеллектуал салоҳиятни ошириш инновацияларни ривожлантиришнинг муҳим омили. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2014, № 1.
6. Кадомцева С.В. Экономические основы системы социальной защиты. М.: 1997. С.89.
7. Гарднер Х. Структура разума: теория множественного интеллекта. - М.: «Бизнес книга», 2007. - С. 512.
8. Митрофанов Д.В. Особенности интеллектуальной культуры студентов. // Вестник Тамбовского университета. Серия Гуманитарные науки. Тамбов, 2016. Вып. 10.